

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВ КАМОЛ ЖУМАЕВИЧ

**ҚАРИ ВА КЕКСА ЁШДАГИЛАР САЛОМАТЛИГИНИ
БАҲОЛАШДА ПОЛИДЕФИЦИТЛИ ҲОЛАТНИ АНИҚЛАШНИНГ
ДИАГНОСТИК ВА ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Болтаев Камол Жумаевич

Қари ва кекса ёшдагилар саломатлигини баҳолашда полидефицитли
ҳолатни аниқлашнинг диагностик ва прогностик аҳамияти..... 3

Болтаев Камол Жумаевич

Диагностическая и прогностическая ценность определения
полидефицитного состояния для оценки здоровья лиц пожилого и
старческого возраста..... 25

Boltaev Kamol Jumaevich

Diagnostic and prognostic value of determining polydeficiency state for
assessment of health of persons of elderly and old age..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БОЛТАЕВ КАМОЛ ЖУМАЕВИЧ

**ҚАРИ ВА КЕКСА ЁШДАГИЛАР САЛОМАТЛИГИНИ
БАҲОЛАШДА ПОЛИДЕФИЦИТЛИ ҲОЛАТНИ АНИҚЛАШНИНГ
ДИАГНОСТИК ВА ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.29 – Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Tib465 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Қаюмов Абдурахмон Абдумавлянович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Бабажанова Шоира Агзамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Баховаддинов Бурхониддин Баховиддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Тўлабоева Гавхар Мирокборовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот:

Кубан Давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил « 9 » НОЯБР соат 13.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7.30 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил « 28 » ОКтябр кунин тарқатилди.
(2021 йил « 28 » ОКтябр даги 5 рақамли реестр баённомаси)



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.М. Нуриллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Инсон организмиде микроэлементлар алмашилиш жараёни муҳим масалаларни ечишга қаратилган, чунки ҳаётий муҳим элементларнинг етишмаслиги кексайиб бораётган организмнинг адаптацион ва компенсатор имкониятлари чекланиб боришига, турли патологик ҳолатлар ривожланишига сабаб булади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, «... полидефицит ҳолати қари ва кекса ёшдаги одамларнинг 50% ва ундан кўпроғини қамраб оладиган гериаτρик синдромлар таркибидеги кенг тарқалган ҳолатлардан бири ҳисобланади ...»¹. Қари ва кекса ёшдаги одамларнинг полидефицит ҳолати уларнинг умумий соғлиғига ва касалликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади, шунинг учун гематогерантологик касалликларнинг олдини олиш бўйича даволаш ва профилактик чораларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида турли ёш гуруҳлари, шу жумладан, қари ва кексалар орасида полидефицит ҳолатнинг этиопатогенези, кечиш хусусиятлари, эрта ташхис қўйиш, даволаш, реабилитация ва профилактикасини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кекса инсонлар саломатлиги ва эрта қариши сурункали касалликлар, узоқ давом этадиган стресс, зарарли одатлар, жисмоний ҳаракатсизлик ва ёмон овқатланишга боғлиқлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Энг муҳим гематопозитик омилларнинг гомеостази, яъни қариш пайтида темир, мис, рух ва бошқаларни сақлаш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамызда, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш ҳамда унинг турли минтақаларида юқумли бўлмаган сурункали касалликлар билан касалланишни камайштиришга қаратилган. «... Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, патронаж хизматининг самарали моделларини яратиш ва тиббий кўрикдан ўтказиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш ...»² каби қатор вазифаларни белгилаб қўйган. Ушбу вазифалар қари ва кекса ёшдаги беморларда микроэлементлар танқислик ҳолатларини ташхислаш, даволаш, башоратлаш ва асоратларни олдини олиш бўйича замонавий тиббий хизматлар кўрсатиш даражасини ошириш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда янги технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Goodnough L.T., Schrier S.L. Evaluation and management of anemia in elderly // Am J Hematol. – 2014. - N89(1). – P.88-96.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар таҳлили.

Қари ва кекса ёшдаги инсонлар касалликларига эрта ташҳис қўйиш, даволаш, полидефицит ҳолатнинг олдини олиш муаммосини ўрганиш илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Hannover Medical School (Германия); Tokyo University Institute of Medical Mycology (Япония); Instituto de Salud Carlos III (Испания); University of Perugia (Италия); Medical College, Qingdao University (Хитой); National University of Ireland (Ирландия); University of California (АҚШ); Department of Gastroenterology, Skane University Hospital, University of Lund (Швеция); Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Тиббиёт фанининг ҳозирги ривожланиш босқичида, кўплаб касалликлар айнан танадаги баъзи макро- ва микроэлементларнинг етишмаслиги билан боғлиқлиги исботланган. Тиббий микроэлементология доимо инсон танасининг ҳаётий жараёнларини таъминлашда турли хил макро- ва микроэлементларнинг роли тўғрисида кенг маълумотли материаллар билан тўлдирилиб борилади, масалан, биоэлементлар алмашинуви, биоэлемент гомеостази, одамнинг биоэлемент портрети (Бахрамов ва ҳаммуал., 2016; Эл-Ансари А. ва ҳаммуал., 2017; Илнитский А.Н. ва ҳаммуал., 2018). Шу сабабли, қариш пайтида организмдаги энг муҳим гематопозитик омилларнинг, яъни темир, мис, рухнинг гомеостазини сақлаш ва қўллаб-қувватлаш муаммоси муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади (Пристром М.С., Сушинский В.Э., 2016). Микроэлементология, биоэлементологиянинг турли масалалари бўйича илмий маълумотларнинг доимий равишда ўсиб бориши шароитида янги далилий материалларни доимий ва динамик баҳолаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш зарур (Турушева А.В., Моисеева И.Е., 2019; Гатиатулина Э.Р. ва ҳаммуал., 2017).

Геронтологик беморларда полидефицит ҳолатни даволашнинг турли усуллари кўллашнинг клиник ва инструментал хусусиятлари бўйича тадқиқотлар амалга оширилган (Medical College, Qingdao University, Хитой; National University of Ireland, Ирландия); шунингдек, гематологик кўрсаткичлар ўзгаришига турли сурункали касалликлар таъсири ўрганилган

(University of California, АҚШ). Ушбу тоифадаги беморларни даволаш усуллари ўзининг клиник, инструментал, лаборатор ва гематологик самарадорлигини исботлаган (University of Perugia, Италия; Instituto de Salud Carlos III, Испания), полидефицит ҳолатлар ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш, қари ва кекса одамларда унинг оқибатларин башоратлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилган (Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда аҳолининг ўртача яшаш даври ошиб бораётгани кузатилмоқда, дунёда полидефицит (микроэлементоз) муаммосининг долзарблиги тан олинган. ЖССТ (2016) маълумотларига кўра, 2025 йилга бориб қарияларнинг кутилаётган сони 1,2 млрд., 2050 йилга келиб эса 2 млрд. га етади. Микроэлементларнинг етишмаслиги соғлиқни сақлашнинг муҳим муаммоси ҳисобланади, чунки тўйиб овқатланмаслик жисмоний ва ақлий ривожланишга таъсир қилади, жумладан, болаларнинг ушбу кўрсаткичлар бўйича ривожланишдан орқада қолаётгани, турли касалликлар хуружи, заифлик, ақлий ривожланишдан орқада қолиш, иш қобилияти билан имкониятининг йўқотилишига сабаб бўлмоқда (Коденцова В.М. ва ҳаммуал., 2017; Bjørklund G. et al., 2017). Қувватловчи оқсиллар билан тўйиб овқатланмасликдан фарқли ўлароқ, микроэлементлар етишмаслигининг саломатлик учун оқибатлари ҳар доим ҳам яққол намоён бўлмайди; шунинг учун уни баъзида «яширин очлик», деб аташади. ЖССТ экспертлари маълумотларига кўра, дунёда 2 млрд. аҳоли микроэлементлар етишмаслигидан азият чекишади (WHO, 2016).

Тиббиёт фанининг ҳозирги ривожланиш босқичида кўплаб касалликларни айнан танадаги баъзи макро- ва микроэлементларнинг етишмаслиги билан боғлиқлиги исботланган. Инсонларда касалликлар тарқалиши бўйича қон-томир тизими, таянч-ҳаракат, бириктирувчи тўқима ва нафас олиш тизими касалликлари етакчи ўринларни эгаллаган (Бахтина Г.Т. ва ҳаммуал., 2017). Кекса ёшдаги аҳоли орасида микроэлементлар тизимининг ёшга боғлиқ хусусиятларини турли табиий ва географик минтақаларда ўрганиш мақсадида Россия Федерацияси Архангелск (87,0 ёш) ва Магадан (80 ёш) шаҳарларида яшовчи аёлларнинг сочларидаги 25 макро- ва микроэлементлар борлиги аниқланган. Иккала гуруҳда ҳам ҳаётий элементлар текширилиб, калций, магний, кобальт, миснинг камайиши ва натрийнинг кўпайиши билан намоён бўлган элементар номутаносиблиги аниқланган (Пахилюк Н.В., 2015; Салникова Э.В., 2016). Худди шундай натижалар ушбу давлатнинг Якутия (Тармаева И.Ю. ва ҳаммуал., 2019) ва Қирғизистон мамлакатининг Орол денгизи бўйи аҳолисида ҳам қайд этилган (Намазбаева З.И. ва ҳаммуал., 2017).

Маълумки, инсон танасида табиатда мавжуд 92 кимёвий элементлардан 81 таси аниқланган. Ҳозирги кунда ушбу нутриент микроэлементлар танқислиги замонавий гематология соҳасида долзарб муаммо бўлиб, уларнинг хилма-хиллиги, сони ва ифодаланиш оғирлигига кўра тобора ошиб бормоқда (Wirth J.P. et al., 2018; Громова О.А., Торшин

И.Ю., 2019). Замонавий босқичда касалликларнинг шаклланишида айрим микроэлементлар танқислиги ёки ошиб кетишининг аҳамияти ҳақидаги маълумотлар кенгайиб бормоқда (Дубовой Р.М., Бобровницкий И.П., 2014).

Республикамызда Кальменов Г.Т. (2015) «Ўсмирларда гемапоэтик микроэлементлар танқислиги ва унинг профилактикаси», Убайдуллаева З.И. (2016) «Доимий донорларда темир микроэлементининг танқислиги ва оқибатлари», Маликов О.М. ва Сулайманова Д.Н. ларнинг (2012) илмий ишларида Ўзбекистон аҳолисида темир, витамин В12 ва фолий танқислиги оқибатида келиб чиқадиган камқонликлар, уларнинг эрта ташхисоти ва олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Тиббий микроэлементология инсон танасининг ҳаётини жараёнларини таъминлашда турли макро- ва микроэлементларнинг роли тўғрисида доимо кенг маълумотли материаллар билан тўлдирилиб борилади. Микроэлементология, биоэлементологиянинг турли масалалари бўйича илмий маълумотларнинг мунтазам янгиланиб бориши шароитида уларни доимий ва динамикада баҳолаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш зарурияти долзарб муаммо ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 03.2018.DSc.007-сон «Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017–2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қари ва кекса ёшдаги аҳоли саломатлигини баҳолашда полидефицитли ҳолатларнинг диагностик ва прогностик аҳамиятини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қари ва кекса ёшдагиларда полидефицитли ҳолатлар учраш даражасини жинсга боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш;

шахар ва қишлоқ шароитида яшовчи қари ва кекса ёшдагиларда кузатиладиган ҳаётини муҳим гемапоэтик микроэлементлар танқислиги ривожланишини солиштирма таҳлилинини ўтказиш;

қари ва кекса ёшдагиларда кузатиладиган турли этиологияли аралаш кечувчи камқонликларда гемапоэтик микроэлементлар ҳолатини солиштирма баҳолаш;

сурункали касалликлари камқонлиги бўлган қари ва кекса ёшдагиларда гемапоэтик микроэлементлар танқислиги ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

қари ва кекса ёшдагилар орасида полидефицитли ҳолатларни эрта аниқлаш, башоратлаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази гематология бўлимида даволанган 325 нафар қари (61-75 ёш) ва 65 нафар кекса (76-90 ёш) ёшдаги беморлар, назорат гуруҳига 50 нафар камқонлиги бўлмаган ўрта ёшли (45-60 ёш) аҳоли олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қон, қон зардоби, қон плазмаси биоматериаллари ва полидефицитли ҳолатни аниқловчи сўровномалар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, биокимёвий (трансферрин, темир, оксил), иммунофермент анализ (ферритин, С-реактив оксил, витамин В₁₂), ИХЛА (рух, мис), статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қари ва кекса ёшдагиларда кечадиган камқонликлар кўп омилли характерга эга бўлиб бир пайтда ҳаётий зарур микроэлементлар - темир, мис, рух ҳамда оксил танқислиги билан кечиш хусусиятига эга эканлиги асосланган;

қари ва кекса ёшдагиларда полидефицитли ҳолат ривожланишида доимий яшаш жойи, тиббий-ижтимоий хавф омиллари, жинси, ёши ҳамда темир, мис, рух микроэлементлари кўрсаткичлари орасида кучли мусбат корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги аниқланган;

қари ва кекса ёшдагиларда учрайдиган сурункали касалликлардаги камқонликларда полидефицитли ҳолатни эрта аниқлашда мис ва рух микроэлементлари муҳим ташхисий маркёр эканлиги, ҳамда ушбу ёшдагиларда меъёрнинг чегара кўрсаткичларини белгилашда корреляцион боғлиқликлар асосланган;

сурункали ноинфекцион касалликлар мавжуд қари ва кекса ёшдагиларда камқонликлар ташхисотида трансферрин, ферритин, церулоплазмин С-реактив оксиллар орасидаги ўзаро боғлиқликлар исботланган;

қари ва кекса ёшдаги кишилар организмидаги полидефицит ҳолатлар сурункали соматик касалликларга олиб келувчи хавф омилли эканлиги ҳамда темир, мис, рух микроэлементлари танқислиги кўрсаткичларини башоратловчи мезон сифатида асосланган;

камқонлик мавжуд бўлган қари ва кекса ёшдагиларда микроэлементлар, оксил танқислиги билан кечувчи полидефицитли ҳолатларни эрта аниқлаш орқали уларда жигар, юрак-қон томир, ҳазм тизими сурункали касалликлари ривожланиши эҳтимоллигини башоратлаш ва ҳаёт тарзи сифатини яхшилаш имконини берувчи профилактик чора-тадбирлари тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қари ва кекса ёшдагилар орасида полидефицитли ҳолатларнинг тарқалганлиги ва келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлашга мўлжалланган махсус анкета-сўровнома ишлаб чиқилган;

камқонлиги бўлган қари ва кекса ёшдаги беморларни даволашда улар организмидаги гемопоестик эссенциал микроэлементлар миқдорини аниқлаб, полидефицитли ҳолатларни эрта ташхислаш ва асоратларини олдини олиш имкони борлиги исботланган;

сурункали соматик касалликлари бўлган беморлардаги анемияни ташхислаш ва даволашда микроэлементар статус, феррокинетика ва яллиғланиш жараёни кўрсаткичларини баҳолаш ва ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш орқали даволаш самарадорлигини ошириш имкони борлиги асосланган;

қари ва кекса ёшдагиларда полидефицитли ҳолатни келтириб чиқарувчи хавф омилларини эрта аниқлаш ва бартараф этиш, касалликни эрта босқичларида ташҳислаш, авж олишини башоратлашга оид услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган;

полидефицитли ҳолатни эрта аниқлаш ва улар оқибатида ривожланиши мумкин бўлган сурункали соматик касалликлар ривожланишини башоратлаш, олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, биокимёвий ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қари ва кекса ёшдагиларда кечадиган камқонликлар темир, мис, рух, оксил танқислиги билан кечиши хусусиятига эга эканлиги, уларда полидефицитли ҳолат ривожланишида яшаш жойи, тиббий-ижтимоий хавф омиллари, жинси, ёши ҳамда микроэлементлар кўрсаткичлари орасида кучли мусбат корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги, ушбу ёш категориясида учрайдиган сурункали касалликлардаги камқонликларда полидефицитли ҳолатни эрта аниқлашни диагностик маркёрлари аниқланганлиги, сурункали соматик касалликлари мавжуд қари ва кекса ёшдагиларда камқонликлар ташҳисотида организмнинг микроэлементар статусини баҳолаш билан бир пайтда феррокинетика ва яллиғланиш жараёнлари ташҳисий мезонларини аниқлаш муҳимлиги, темир, мис, рух микроэлементлари танқислиги кўрсаткичларини башоратловчи мезон сифатида тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қари ва кекса ёшдагилар орасида полидефицитли ҳолатларни келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлашга мўлжалланган махсус анкета-сўровнома ишлаб чиқилганлиги, камқонлиги бўлган қари ва кекса ёшдаги беморларни даволашда гемопозтик эссенциал микроэлементлар миқдорини аниқлаб, полидефицитли ҳолатларни эрта ташҳислаш ва асоратларини олдини олиш имкони борлиги, сурункали соматик касалликлари бўлган беморлардаги анемияни ташҳислаш ва даволашда микроэлементар ҳолати, феррокинетика ва яллиғланиш жараёни кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш орқали даволаш самарадорлигини ошириш имкони борлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ қилиниши. Қари ва кекса ёшдагиларда полидефицитли ҳолатларни эрта аниқлаш, аҳоли орасида ушбу касаллик ривожланишига олиб келувчи хавф омилларини ўрганиш, хавф гуруҳларини аниқлаш, олдини олиш ва башоратлаш йўлини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кекса ёшдаги беморларда микроэлементлар кўрсаткичларини баҳолаш асосида полидефицит ҳолатни башоратлаш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «Кекса ёшдаги беморларда микроэлементар ҳолатни назорат қилиш асосида полидефицитли ҳолатни башоратлаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги №8н-з/184-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома кекса ёшдаги беморларда полидефицитли ҳолатларни башоратлаш тадбирларини такомиллаштириш имконини берган;

қари ва кекса ёшдаги камқонлиги бўлган беморларда полидефицитли ҳолатни эрта ташхислаш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «Камқонлиги бўлган қари ва кекса ёшдаги беморларда полидефицитли ҳолатни эрта аниқлашнинг нутрициологик жиҳатлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги №8н-з/184-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қари ва кекса ёшдагилар орасида полидефицитли ҳолатларни эрта аниқлашнинг нутрициологик жиҳатларини аниқлаш имконини берган;

қари ва кекса ёшдагилар орасида полидефицитли ҳолатларни эрта аниқлаш ва ўз вақтида олдини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Бухоро вилояти Бухоро, Ромитан, Ғиждувон, Шофиркон туман тиббиёт бирлашмалари, Жондор туман кўп тармоқли поликлиникаси ҳамда Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази поликлиникаси амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 23 августдаги 08-09/10760 - сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши қари ва кекса ёшдаги аҳоли орасида полидефицитли ҳолатлар олдини олиш, эрта босқичларда аниқлаш, асоратларни олдини олиш, даво самарадорлигини ошириш ҳамда шифохона шароитида даволаниш харажатларини 2 баробар қисқартириш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар, нашр этилган ишлар ва диссертация таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Қари ва кекса ёшдагилар саломатлигини баҳолашда полидефицитли ҳолатларни аниқлашга замонавий қарашлар»** га бағишланган бўлиб, унда полидефицитли ҳолатлар, гемопэтик микроэлементознинг тарқалиши, этиологияси, ривожланиш механизмлари, диагностика ва профилактика усуллари кўрсатилган. Ўрганилган хорижий ва ватандошлар тадқиқотчилар эълон қилган илмий манбалар ушбу муаммо, айниқса минтақамизда яхши ўрганилмаганлигини кўрсатган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Қари ва кекса ёшдагилар саломатлигини баҳолашда полидефицитли ҳолатларни аниқлаш бўйича тадқиқот материали ва усуллари»** ушбу диссертация ишини бажариш учун асос бўлган клиник материал ва усуллар келтирилган. Ушбу диссертация иши Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг гематология бўлимида ётқизилган қари ва кекса ёшдаги одамлар орасида полидефицит ҳолатининг пайдо бўлиш частотасини таҳлил қилишга асосланган. Тадқиқотга 440 киши жалб қилинган. Беморлар гуруҳларидаги хавф омиллари саналган ёши, жинси, кўшилиб келадиган касалликлари (камқонлик турлари бўйича) бўйича мос келган.

Тадқиқотга жами 325 нафар қари (61-75 ёш) ва 65 нафар кекса (76-90 ёш) ёшдаги беморлар жалб қилинган. Жами текширилувчилар қари ёшдагилар орасида эркаклар 20 (36,92%), аёллар 205 (63,08%) нафарни, кекса ёшдагилардан эркаклар 28 (43,07%) ва аёллар 37 (56,93%) нафарни ташкил этган.

Тадқиқот усуллари аниқ тавсифланган, тўғри кетма-кетликда, беморларни даволаш усуллари, шунингдек маълумотларни статистик қайта ишлаш усуллари берилган. Беморларни текшириш учун ишлатиладиган усуллар (физик текширув, клиник, лаборатория инструментал, тиббий-ижтимоий ва статистик) замонавий маълумотларга эга, вазифаларга жавоб беради ва полидефицит ҳолатини аниқлашга тўлиқ имкон беради.


Диссертациянинг учинчи бобида **«Қари ва кекса ёшдагиларда микроэлементар полидефицитли ҳолатни баҳолаш»** аралаш турдаги анемиялар билан оғриган қари ва кекса ёшдагилар орасида полидефицитли ҳолатларнинг учраш даражаси ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижалари қари ёшдаги эркакларда темир танқислик анемияси (ТТА) кўпроқ учраб, кекса ёшдаги эркакларда ТТА ва аралаш

турдаги камқонликлар учраш кўрсаткичлари орасида ишонарли фарк йўклиги ($23,1 \pm 2,3\%$ и $24,9 \pm 2,4\%$, $P > 0,05$) аниёланган.

Қари ва кекса ёшдаги аёлларда анемиялар турлари учраш даражалари солиштириб кўрилганда ҳар иккала гуруҳда ҳам ТТА ва аралаш турдаги камқонликлар учраш даражаси кўрсаткичлари амалий жиҳатдан бир бирига яқин натижаларни кўрсатган.

Шу жиҳатларни инобатга олиб қари ва кекса ёшдагиларда аралаш турдаги анемиялар тарқалганлик даражаси таҳлил қилинган ва натижалар хулосаси келтирилган (1-расм).



1-расм. Қари ва кекса ёшдагиларда турли шаклдаги анемияларнинг учраш нисбати (ТТА кўрсаткичларига нисбатан)

Қари ва кекса ёшдагилар орасида микроэлементлар танқислигининг кўшилиб келган ҳолатлари ривожланиши кўпроқ хос бўлиб, гемопозтик микроэлементлар танқислиги оксил ва витаминлар етишмовчилиги билан бирга ривожланиб, бу ёшда полидефицитли ҳолат келиб чиқиши учун асосий фон бўлиб хизмат қилади, кўп ҳолларда бу ҳолат камқонликлар фониди манифест кечиши билан характерланади.

Худди шундай таҳлил кекса ёшдаги гуруҳда ҳам ўтказилган ва ўзгаришлар тенденцияси қари ёшдагилар билан амалий жиҳатдан бир хилда эканлиги аниқланган. Фарқ қилувчи жиҳатлар фақатгина ТТА да кузатилган ($P < 0,05$), аммо текширилувчилар сони камлиги туфайли ($n=65$) ҳақиқий ишончлилик даражаси кузатилмаган.

Қари ва кекса ёшдагилар организмида гемопозтик микроэлементларни аниқлаш, кўрсаткичларни ёш, жинс, яшаш жойи жиҳатидан таҳлил қилиш уларда полидефицитли микроэлементозлар ҳақида тўлиқ маълумот бериб, айна пайтда уларни келтириб чиқарувчи асосий омилларни ўз вақтида эрта

аниқлаш, ташхислаш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун тўғри ёндашувни талаб этади.

Шу мақсадда қари ва кекса ёшдагилар гемопозитик микроэлементлар миқдори баҳоланди ва таҳлил қилинди. Мис микроэлементи миқдори таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, шаҳар шароитида яшовчи эркакларда бу кўрсаткич $11,7 \pm 0,64$ мкмоль/л, қишлоқ шароитида яшовчи эркакларда $10,8 \pm 0,64$ мкмоль/л ($P > 0,05$) ташкил этган ва жинс аспектида катта фарқ кузатилмаган. Аёлларда эса натижалар бир мунча фарқли бўлиб, ишончлилик даражасини кўрсатди, яъни шаҳарда яшовчи аёлларда $10,8 \pm 0,64$ мкмоль/л, қишлоқда яшовчиларда $9,5 \pm 0,44$ мкмоль/л ($P < 0,05$). Рух микроэлементи кўрсаткичлари таҳлилида барча солиштирма ҳолатларда ишончли фарқ кузатилмади, яъни шаҳарда яшовчи эркакларда $17,6 \pm 0,80$ мкмоль/л, қишлоқда яшовчиларда $17,0 \pm 0,34$ мкмоль/л, аёлларда эса мос ҳолда $16,6 \pm 0,54$ мкмоль/л ва $16,2 \pm 0,38$ мкмоль/л) - $P > 0,05$.

Диссертациянинг шу бобида қари ва кекса ёшдагиларда яшаш жойига боғлиқлик даражасида микроэлементлар орасидаги корреляцион боғлиқлик ҳолати таҳлил қилинди ва баҳоланди.

Корреляцион таҳлил ўрганилган ёш контингентиди аниқланган микроэлементар кўрсаткичларни интерпритация қилиш, ташхислаш ва даволашда муҳим самарадорликка эга. Юқоридагидан келиб чиқиб, муҳим аҳамиятга эга бўлган микроэлементларда темир, мис ва рух элементлари қари ва кекса ёшдагиларда уларнинг яшаш жойи асосида 8 та кўрсаткич ташкил этилди: қари ёшдаги шаҳар эркаклари (ҚШЭ); қари ёшдаги қишлоқ эркаклари (ҚҚЭ); қари ёшдаги шаҳар аёллари (ҚША); қари ёшдаги қишлоқ аёллари (ҚҚА) ва кекса ёшдаги шаҳар эркаклари (КШЭ); кекса ёшдаги қишлоқ эркаклари (КҚЭ); кекса ёшдаги шаҳар аёллари (КША); кекса ёшдаги қишлоқ аёллари (КҚА).

Корреляцион боғлиқликлар таҳлилида ҳар бир ёш аспектида 18 та вариант ўрганилган. Таҳлил натижаларида ҳар иккала ёш ва жинс гуруҳларида ўзаро боғлиқликлар ижобий бўлиб, салбий корреляцион ўзаро боғлиқликлар аниқланмаган. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, полидефицитли ҳолатни баҳолашда ёш ва жинс даражасида интерпритация қилиш муҳим диагностик аҳамиятга эга.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қари ёшдаги контингентдаги микроэлементлар ўзаро корреляцион боғлиқлик таҳлилида 6 та (33.3%) кучли мусбат боғлиқлик аниқланган ($P > 0,7$).

Кучли корреляцион боғлиқлик аниқланган вариантлар куйидагилар: темир ҚША / темир ҚҚА ($\rho = 0,76$); мис ҚШЭ / мис ҚҚЭ ($\rho = 0,72$); мис ҚША / мис ҚҚА ($\rho = 0,71$); темир ҚШЭ / мис ҚҚЭ ($\rho = 0,74$); темир ҚША / мис ҚША ($\rho = 0,73$); темир ҚҚА / мис ҚҚА ($\rho = 0,78$).

2 та ҳолатда ўрта кучдаги корреляцион боғлиқлик кузатилган ($\rho = 0,5 - 0,7$): темир ШЭ / мис ШЭ ($\rho = 0,63$); темир ШЭ / мис ҚЭ ($\rho = 0,59$).

Қолган 10 та ҳолатда кучсиз мусбат корреляцион боғлиқликлар аниқланган ($\rho < 0,5$).

Худди шундай таҳлил кекса ёшдагиларда жинс аспектида баҳоланди. Бу гуруҳда ҳам 18 та вариантда ҳам мусбат корреляцион боғлиқликлар кутатилган, салбий корреляцион боғлиқликлар аниқланмаган.

1 ҳолатда кучли корреляцион боғлиқлик (темир КША / темир КҚА, $\rho=0,72$) ва 1 ҳолатда ўрта кучдаги ижобий ўзаро корреляцион боғлиқлик (темир КША / мис КҚА, $\rho=0,57$) аниқланган ва умумий ижобий корреляцион боғлиқликларнинг 11,1% ини ташкил этган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Сурункали яллиғланиш анемияси бўлган қари ва кекса ёшдаги беморларда микроэлементар ҳолат ўзгаришининг ўзига хос жиҳатлари**» тўғрисидаги маълумотлар очиб берилган бўлиб, аҳоли орасида кенг тарқалган сурункали соматик касалликларда ривожланадиган анемиялар ва уларнинг ўзига хос кечиши жиҳатларига эътибор қаратилган.

Организм қаришида бир қатор чуқур физиологик ўзгаришлар юзага келиб, бу сурункали ноинфекцион касалликлар ривожланиши хавфини оширади. Шунингдек, қари ва кекса ёшда организмда мультиморбидлик ҳолати, яъни бир пайтда бир неча касаллик ривожланиш эҳтимоллиги кучаяди. Бу эса қари ва кекса ёшдагилар ҳаёт сифатини яхшилаш борасида соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан олиб бориладиган тиббиёт хизмати таркиби, сифати, иқтисодий харажатларини қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Қари ва кекса организмда ривожланадиган патологиялардан бири бу ҳаётий маҳим микроэлементлар танқислиги - полидефицитли ҳолатдир.


Инсон организмда макро- ва микроэлементлар танқислиги бу ёшдаги организмнинг экологик омилларга чидамлилигини пасайтиради, иммун танқислик ва организмнинг турли таъсирларга жавоб реакциясини пасайтириб, сурункали касалликлар ривожланишига, улар ҳаёт сифатининг пасайишига шароит яратади.

Тадқиқотда ўрганилган контингентда сурункали касалликлар учраши ва мультиморбидлик даражаси таҳлил қилинган (2- расм).

Солиштирма таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, юрак-қон томир системаси, жигар, буйрак ва нафас системаси касалликлари кекса ёшдагиларда кўпроқ аниқланди, ҳар иккала ёш контингенти орасида фарқ мос ҳолда 1,53 дан 2,03 бараваргача кўпроқ ($P<0,001$).

Ҳазм системаси касаллиқари эса қари ва кекса ёшдагиларда учраш даражаси деярли бир хил кўрсаткичлари аниқланди, мос ҳолда $50,4\pm 2,7\%$ и $67,7\pm 5,8$ ($P>0,05$).

Кекса ёшдагилар саломатлигини сақлашга бўлган эҳтиёжни баҳолашда нафақат улардаги мавжуд касалликларни, балки бу касалликларнинг ўзаро таъсир хусусиятлари ва орган-тўқималар фаолиятига таъсирини ҳам ҳисобга олиш керак.




2-расм. Қари ва кекса ёшдагиларда сурункали касалликларнинг учраши даражасининг ёш аспектида таҳлили (%)

Қари ва кекса ёшдагилар саломатлигини баҳолашда бундай кенг камровли функционал ёндашув, улардаги индивидуал касалликлар турлари ва сонини аниқлашга қараганда, соғломлиги ва яшовчанлигини башоратловчи бир мунча афзалроқ тактика ҳисобланади.

Қолаверса кексаликнинг ушбу мураккаб эҳтиёжларини биргаликда ҳал қилишга мўлжалланган соғлиқни сақлаш хизматлари, аниқ касалликларга алоҳида индивидуал тиббий хизмат кўрсатишдан кўра самаралироқдир. Шунингдек қари ва кекса кишилар саломатлигини баҳолашда касаликни эмас, у таъсирида ўзгарган организм фаолиятини асос қилиб олиш соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли қариши муаммоларини ҳал қилиш ва тадбирларни шакллантиришда энг афзал ёндашувдир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, биз ушбу касалликларнинг қўшма шаклда учрашини батафсил ўрганиш ва таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик (3- расм)

Қари ва кекса ёшдагиларда мультиморбидлик ҳолатини ўрганиш учун камқонлик билан касалланиш фонида юқумли бўлмаган сурункали касалликлар тарқалиши таҳлил қилинди. Натижалар таҳлилида, бир неча касалликларнинг биргаликда пайдо бўлиш (ривожланиш) даражаси инобатга олинди, яъни бир пайтда 2 та касаллик, 3 та касаллик, 4 та ва 5 тадан ортиқ касалликнинг кузатилиши.



3- расм. Қари ва кекса ёшдагиларда кузатилган мулътиморбидлик холати кўрсаткичлари (%).

3-расмда кўришиб турибдики, 3 ва 4 та патологиянинг бир пайтда учраши ҳар иккала ёшда ҳам энг кўпроқ намоён бўлган ҳолатдир, яъни мулътиморбидликнинг 3 та патология шиклида учраши қари ва кекса ёшдагиларда мос ҳолда $42,4 \pm 2,7$ ва $27,4 \pm 3,5$; бир пайтда 4 та касалликнинг аниқланиши қари ва кекса ёшдагиларда мос ҳолда $32,1 \pm 2,6$ и $33,2 \pm 5,8\%$ ни ташкил этди.

Қари ёшдагилардан фарқли ўлароқ, кекса ёшдагиларда мулътиморбидлик кўрсаткичи ва касалланиш даража орасида мос ҳолда ўсиб бориш тенденцияси мавжудлиги аниқланди, яъни мос ҳолда 2 та патология учраши $11,8 \pm 4,01\%$; 3 та патология учраши $27,4 \pm 3,5\%$ ва 4 та патология учраши $33,2 \pm 5,8\%$.

Маълумки, сурункали касалликлар анемияси (СКА) дунёда барча анемиялар ичида кенг тарқалган бўлиб, ТТА дан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. СКА инфекция, ревматик, онкологик касалликлар, шунингдек сурункали юрак етишмовчилиги, сурункали буйрак касаллиги, қандли диабет, жигар циррози ва бошқа нозологик бирликлар келтириб чиқаради.

Шу муносабат билан диссертация иши ушбу қисмининг мақсади ТТА ва СКА мавжуд қари ва кекса ёшдагиларда феррокинетика ҳамда ҳаётий зарур микроэлементлар кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолашдан иборат бўлган.

Бунинг учун ТТА ва СКА қўшилиб келганда кекса ($n=325$) ва қари ($n=65$) ёшлиларда ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ТТА ва СКА қўшилиб келиши иккала гуруҳда ҳам тез-тез кузатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Кекса қари ёшдаги шахсларда анемия турли шакллариининг учраш кўрсаткичлари, n=390

	ТТА		СКА		ТТА+СКА	
	Мут.	%	Мут.	%	Мут.	%
Кекса ёш	90	23,08±2,13	106	27,18±2,25	129	33,08±2,38
Қари ёш	10	2,56±0,8	22	5,64±1,17	33	8,84±1,41
Жами	100	25,64±2,21	128	32,82±2,38	162	41,54±2,49

Изоҳ: барча кўрсаткичлар беморларнинг умумий сонига нисбатан ҳисобланган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, қари ва кекса ёшдагилар орасида ТТА ва СКА учраш даражаси орасида катта фарқлар йўқ - 23,08±2,13% (n=90) и 27,18±2,25% (n=106) - P>0,05, аммо ТТА ва СКА бирга кўшилиб келиш ҳолатлари 1,43 мартага кўпроқ учраши аниқланган. Бу ТТА га нисбатан 33,08±2,38% (n=129) га 23,08±2,13% (n=90), P<0,05), шунингдек, СКА га нисбатан 1,22 марта кўп учраши (мос ҳолда 33,08±2,38% (n=129) га 27,18±2,25% (n=106), P<0,05) аниқланган.

Изланишларнинг кейинги босқичларида ТТА, СКА ва ТТА+СКА да феррокинетика кўрсаткичлари аниқланиб, таҳлил қилинган (2-жадвал).

Диссертациянинг бешинчи боби «Қари ва кекса ёшдагиларда микроэлементар ҳолатини назорат қилиш орқали полидефицитли ҳолатлар ривожланишини башоратлаш» га бағишланган.

Соғлиқни сақлашдаги қари ва кекса ёшдаги аҳоли тиббий хизмат кўрсатишдаги муаммолардан бири бу, бу ушбу ёшдагилар организмидаги ёшга мос функционал ва ҳаётий ўзгаришларни мавжудлиги. Дунё тиббиёти тажрибасида эътибор марказида қари ва кекса ёшдагиларнинг ҳаёт давомида организмда бўладиган ўзгаришлар ва уларнинг оқибатларини эрта аниқлаш, ёхуд организмдаги «соғлом қариш» жараёнини сақлаб қолиш ёки унга шароит яратиб бериш турибди.

2-жадвал

ТТА ва СКА мавжуд бўлган кекса ва қари ёшдагиларда феррокинетиклар ва яллиғланиш жараёни баъзи параметрларининг қиёсий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ТТА, n=100	СКА, n=128	СКА+ТТА, n=162
Зардобдаги темир	7,7±0,74	16,5±1,06* ↑	10,4±0,86* ↑
Ферритин (N 30-100 мкг/л)	12,6±1,2	213,2±2,5* ↑	113,7±9,4* ↑
Трансферрин (N 2,1-4,86 г/л)	5,2±0,49	1,3±0,11* ↓	2,9±0,24* ↓
ТТК (20-45%)	1,48±0,4	12,7±0,2* ↑	36,0±0,9* ↑
ПТБХ (38-75 мкм/л)	121,0±6,5	63,4±5,6* ↓	72,3±6,0* ↓
СРО, мг/л	4,6±0,44	22,6±0,95* ↑	19,5±0,62* ↑

Изоҳ: * - кўрсаткичлар орасидаги ишончлилик белгиси, ↓, ↑- ўзгаришлар йўналиши

Тадқиқот натижалари кўрсатаптики, анемия фонида кечадиган полидефицитли ҳолат қари ва кекса ёшдагиларнинг ярмида учраётти.

Шунингдек, таҳлиллар 70 ёшдан катта кишиларнинг ҳар 2-сида, 65 ёшдан катталарнинг ҳар 3-сида 2 тадан ортик сурункали касалликларнинг бир пайтда учраш ҳолати мавжудлиги кузатилган. Бу ҳолатга олиб келувчи омиллар сифатида ёш, жинс, овқатланиш таркиби, яшаш муҳити талқин этилаяпти, тадқиқотда бу омиллар қаторига организмдаги полидефицит ҳолати (ҳаётий зарур микроэлементлар танқислиги) ҳам сабаб бўлиши исботланган.

Бу эса ўз ўрнида қари ва кекса ёшдагиларда полидефицитли ҳолатларни эрта аниқлаш ва даволаш тадбирларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Полидефицитли ҳолатларни эрта аниқлаш, башоратлаш ва олдини олишга инновацион ёндашув бир пайтнинг ўзида коморбидлик фонида кечувчи бир қатор ноинфекцион касалликлар реабилитациясини ҳам ўз ичига олиши лозим. Чунка бу ёшдаги аҳоли айнан бу патологиялар учун хавф гуруҳига киради.

Тадқиқот ишлари натижалари асосида қари ва кекса ёшдагилар орасида полидефицитли ҳолатлар ривожланишини эрта аниқлаш, башоратлаш ва асорат сифатида бошқа сурункали касалликлар келиб чиқишини олдини олиш мақсадида тамойиллар дастури ишлаб чиқилган. Бу дастур асосида бир неча босқичда скрининг ва лаборатор диагностика ўтказилиши кўзда тутилган.

Бу тамойиллар қўйидагилардан иборат:

қари ва кекса ёшдаги аҳоли орасида полидефицитли ҳолатлар мавжуд бўлган хавф гуруҳини аниқлаш мақсадида бир йилда бир марта бу патологик ҳолат яширин белгилари ва хавф омилларини аниқлашга мўлжалланган сўровномалар ўтказиш;

гемопозитик микроэлементлар танқислигини аниқлаш мақсадида ҳар 6 ойда бир марта гемоглобин миқдорини аниқлаш;

мультиморбидлик ҳолати кузатилганда феррокинетика (ферритин, трансферрин, ЗТТК) ва яллиғланиш маркёрларини (ферритин, СРО) таҳлил қилиш;

хавф гуруҳига кирувчи ушбу ёшдаги шахсларда гемопозитик микроэлементлар (мис, рух, темир) миқдорини аниқлаш ва улар интерпритациясида ёш ва жинс, яшаш муҳитини инобатга олиш:

Юқорида кўрсатилган тамойиллар асосида феррокинетика мониторинги фонида организмдаги бошқа гемопозитик микроэлементлар захирасини ўрганиш аҳоли орасида полидефицитли ҳолатлар ривожланишини эрта аниқлаш ва башоратлашнинг энг мақбул усулларидан бири саналади. Ўз навбатида нутритив анемия тушунчаси гемопозитик иштирок этувчи гемопозитик микроэлементлар танқислиги билан намоён бўладиган полидефицитли ҳолатлар билан характерланади. Шундан келиб чиқиб қари ва кекса ёшдагиларда учрайдиган анемиялар ташхисотида феррокинетика кўрсаткичлари билан бир пайтда эссенциал гемопозитик микроэлементлар саналган рух ва мис миқдорини аниқлаш, танқислик ҳолатини эрта ташхислаш, башоратлаш ва самарали даволаш имконини яратади.

Диссертация ишида қари ва кекса ёшдагилар саломатлигини баҳолашда микроэлементлар ҳолатини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланиб,


скрининг ҳолатларда темир, мис ва рух элементларини аниқлаш жоизлиги тадқиқот кўрсаткичлари таҳлили билан асослаб берилган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, қон зардобида мавжуд бўлган микроэлементлар (темир, мис, рух) миқдорининг меъерий чегаралари аҳолининг ёши (кекса ва қари), яшаш жойи ҳамда муҳитига мос ҳолда ўзгариши мумкин.

Қари ва кекса ёшдагилар қон зардобида ҳаётий зарур микроэлементлар учрашининг ёшга боғлиқ ҳолдаги кўрсаткичлари корреляцияси аниқланган (4-расм)

Шундан келиб чиқиб бу бобда қари ва кекса ёшдагиларда учрайдиган полидефицитли ҳолатларни башоратлаш тамойиллари ишлаб чиқилган.

